

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОЁРОВ БОБОМУРОД НОРМАТОВИЧ

**ЖАМИЯТ ДЕМОКРАТЛАШУВИДА МИЛЛАТЛАРАРО
МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

Бобоёров Бобомурод Норматович

Жамият демократлашувида миллатлараро муносабатларни
такомиллаштиришнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили3

Бобоёров Бобомурод Норматович

Социально-философский анализ совершенствования межнациональных
отношений в условиях демократизации общества.....21

Boboyorov Bobomurod Normatovich

Social philosophical analysis of improving interethnic relations in conditions of
democratization of society.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОЁРОВ БОБОМУРОД НОРМАТОВИЧ

**ЖАМИЯТ ДЕМОКРАТЛАШУВИДА МИЛЛАТЛАРАРО
МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fal98 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Туленова Гулмира Жандаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хайдаров Хуррам Фармонович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Мусаев Одил Рахматович
фалсафа фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент халқаро ислом академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Хўжамуродов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

Ж.С.Раматов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби в.б.,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Ж.С.Раматов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги
Илмий семинар раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда кечаётган жараёнлар, хусусан, жаҳон бозорларидаги беқарорлик, ёқилги-энергия ва табиий ресурслар учун кураш қатор давлатлар ҳарбий-сиёсий аҳволининг кескинлашувига олиб келмоқда ҳамда «инсон ҳуқуқлари», «демократия» ғояларини тарғиб қилаётган, аслида эса, геосиёсий мақсадларда ҳаракатланаётган кучларнинг фаоллашувига сабаб бўлмоқда. Бундай кучлар ўз мақсадларига эришиш йўлида кўпмиллатли давлатларнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини издан чиқариш, миллатлараро зиддиятларни кучайтириш, «миллатчилик» ғояларини ёйиш, сингдириш ва тарғиб қилишда этник-диний омиллардан, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланаётгани жаҳон жамоатчилигида катта ташвиш уйғотмоқда.

Дунёнинг полиэтник ва моноэтник таркибга эга давлатлар тараққиёти динамикасини белгилайдиган - этник ўзлигини англашининг, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кўп миллатли таркибга эга жамиятларда миллий ва миллатлараро муносабатларнинг турли жиҳатларини ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотларда Марказий Осиё халқларининг миллий-маданий, ижтимоий, иқтисодий ва миллатлараро муносабатлар ҳолати, Евроосиё ҳудудидаги миллий давлатларнинг ривожланиши, ҳамкорлиги масалаларига оид бир қатор концептуал ғоялар ўрганилмоқда. Шу билан бирга, ҳозирги даврда дунёда ўзининг бетакрор маданий ва маънавий қадриятларига эга бўлган 1600 дан ортиқ этник гуруҳ яшаётган бўлса-да, этносларнинг кўпчилиги ўз миллий давлатчилигига эга эмаслиги миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга доир тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда кечаётган демократик жараёнлар, ислоҳотлар истиқболи миллатлараро муносабатларнинг ҳолатига, бу соҳада пайдо бўладиган турли таҳдидларга қарши курашни кучайтириш, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, ёшларларни миллий ғоя, демократик қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашга кўп жиҳатдан боғлиқ. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши сифатида хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, яқин кўшничилик муҳитини яратишга қаратилган пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни юритиш белгиланганлиги бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга замин яратмоқда. «Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти, - турли дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатларни ривожлантириш, қайси дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш бундан

буён ҳам энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб қолади»¹. Шу нуқтаи назардан, жамиятда кечаётган демократик жараёнларнинг миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштиришга таъсири муаммоларни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган хулосаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 22 февралдаги ПФ-5667-сон «Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 4 майдаги ПҚ-6430-сон «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. «Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний кадриятлар, миллий ғоя, эстетик - бадиий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилиги тарихини тадқиқ этиш»нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жамият ҳаётини демократлаштиришга доир дунё фалсафий мероси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларидаги миллатлараро муносабатларни демократик кадриятлар асосида янада такомиллаштиришга оид концептуал ғоялар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Миллат, элатнинг келиб чиқиш тарихи, миллий онг ва миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш муаммоларининг алоҳида жиҳатларини тадқиқ этишга қаратилган илмий ишлар И.Жабборов, Ж.Туленов, О.Умурзакова, М.Холматова, М.Хайруллаев, М.Шарифходжаев, Х.Шайхова, С.Шермухамедов, Э.Юсупов, З.Ғофуров ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган.

Миллатлараро муносабатлар тараққиётида миллий маданият, анъана ва кадриятларнинг ўрни, уларда миллийлик ва умуминсонийликни намоён бўлиш хусусиятлари, миллий тил, урф-одатлар, анъаналар ривожини, миллий ғоя, байналминал тарбияни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар Ў.Абилов, В.Алимасов, С.Атамуратов, М.Бобоҳаджаев, А.Гельдиева,

¹Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир // “Халқ сўзи”, 2016 йил 2 ноябрь.

М.Жакбаров, Н.Жўраев, У.Карабаев, Б.Каримов, М.Нишанов, Н.Ортиқов, И.Саифназаров, И.Серова, Б.Туйчиев, И.Удалова, Қ.Хоназаров, И.Эргашев, З.Қодирова каби МДХ ва Ўзбекистонлик олимлар томонидан ўрганилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда кечаётган этно-ижтимоий жараёнлар, мамлакат аҳолиси таркибининг этник жиҳатдан кенгайиши сабаблари, тадриджий равишда амалга оширилаётган миграция жараёнларининг тарихий, сиёсий-ҳуқуқий, демографик, фалсафий жиҳатлари, шунингдек, миллатлараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг дин ва конфессиялараро муносабатлар билан боғлиқлигига оид муаммолар О.Атамирзаев, А.Бегматов, М.Бекмурадов, Д.Бобожонова, В.Гентшке, С.Гитлин, М.Имомназаров, И.Каримов, П.Ким, М.Маҳмудов, З.Мунавваров, Р.Муртазаева, Ж.Нажмиддинов, Т.Тошлонов, А.Раҳманкулова, А.Салиев, И.Фозилхўжаева, Ш.Хаитов, Р.Шамсутдиновлар А.Ҳасанов, З.Ҳусниддинов, И.Худойбердиев, Х.Юнусовалар томонидан илмий асосда ўрганилган.

Миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви ва миллатлараро зиддиятлар, қарама-қаршиликлар табиати, миллатчилик, ирқчилик ва сепаратизмнинг моҳияти, уларнинг инсоният ҳаётига таҳдиди, миллатлараро тотувликни таъминлаш масалалари Р.Барнет, З.Бжежинский, Б.Бовден, Ж.Вардлау, Е.Гоффман, Э.Геллнер, М.Дженкинс, С.Добсон, Д.Жакобс, Э.Кадоури, К.Крейс, В.Лагуегур, С.Липсет, Р.Мюллер, Г.Ноллау, Р.Пайне, А.Редлик, А.Смит, А.Тойнби, А.Тоффлер, Э.Фромм, С.Хантингтон, Б.Шафер, С.Шилман, Э.Эриксен, К.Ясперс каби қатор хорижлик олимлари томонидан илмий-назарий жиҳатдан ўрганилган.

Мазкур муаммонинг алоҳида жиҳатларини илмий-фалсафий жиҳатдан ўрганишга қаратилган қатор илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилган. Хусусан, мустақиллик шароитида миллий манфаатлар билан боғлиқ муаммолар Ф.Абдурахманов, Ўзбекистондаги миллий сиёсат ва уни жамият маънавий-маданий соҳасида рўёбга чиқариш масалалари А.Мўминов, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда миллий истиқлол ғоясининг ўрни А.Очилдиев, ўзбек ҳалқининг миллий ўзлиги, миллий психологияси шаклланишига исломнинг таъсири масалалари И.Худайбердиев ва И.Хўжамуродов, маънавий кадриятлар ривожидида миллий ва умуминсонийликнинг ўзаро таъсири муаммоси А.Юнусов каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Шунингдек, Ш.Мадаева «Ўзбек менталитетида демократик тафаккурнинг шаклланиши хусусиятлари», О.Мусаев томонидан «Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари» мавзуларида фан доктори (DSc), А.Ташанов «Вайронкор ғоялар ва бузғунчи мафкуралар моҳияти, тарихи, таҳдиди ва қарши кураш йўллари тадқиқ этиш», И.Суванов томонидан «Шахс маънавиятини юксалтиришда миллий ғоя ва ўзликни англаш диалектикаси» мавзуларида фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияларини ҳимоя қилишган¹.

¹Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

Дунё ҳукмронлиги учун геосиёсий курашлар авж олаётган, мафкуравий таҳдидлар кўчайиб бораётган ҳозирги кунда Ўзбекистонда кечаётган жамият ҳаётини демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларининг миллатлараро муносабатларнинг такомиллашувига таъсири масалалари, миллий сиёсат моделларига бўлган замонавий ёндашувларни, миллий ва умуммиллий манфаатлар диалектикасини ўрганиш, миллий ўзига хосликни асраб қолиш йўллари ва имкониятларини аниқлаш, этник ва диний омиллардан жамиятни парчаловчи дастак сифатида фойдаланувчиларга қарши маърифий кураш олиб бориш механизмларини асослаш билан боғлиқ масалалар алоҳида, яхлит ҳолда махсус тадқиқ этилмаганини қайд этиш лозим. Мазкур диссертацияда умуминсоний қадриятлар негизида демократик, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, этно-ижтимоий жараёнлар ва уларни бошқариш механизмлари, этник зиддиятларнинг келиб чиқиши сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари, миллатлараро дифференциация ва интеграция жараёнлари, глобаллашув ва миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар илмий-фалсафий, назарий-методологик ва ижтимоий-амалий жиҳатдан ўрганиб чиқилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» ҳамда «Полиэтник давлатларда миллатлараро муносабатлар масаласи» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади демократик ислохотлар шароитида миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«миллат» категориясига оид илмий қарашлар ва ёндашувларни ўрганиш, «миллий муносабатлар» ва «миллатлараро муносабатлар» тушунчаларининг мазмунини ўрганиш ҳамда ўзаро диалектик боғлиқлигини асослаш;

миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда миллий ва умуммиллий манфаатларнинг ўзаро алоқадорлигини ўрганиш, Ўзбекистоннинг миллий, конфессионал ва маданий ранг-баранглигини сақлаб қолиш ва ривожлантиришда миллий бошқарувнинг ролини тадқиқ этиш орқали этник жараёнларни бошқариш механизмларини аниқлаш ҳамда аҳамиятини асослаб бериш;

миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг миллий-маънавий омиллари, кўпмиллатли жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжи, барқарорлик ва тараққиётини таъминлашда демократик жараёнлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг таъсирчан ролини асослаш;

ижтимоий амалиёт муносабатларида бағрикенглик муаммоларининг намоён бўлиши ҳамда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликнинг

миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга таъсири ва хусусиятларини аниқлаш;

Марказий Осиё минтақасидаги этник вазиятни таҳлил этиш, миллатлараро муносабатлар кескинлашувиغا етакловчи омилларни ўрганиш орқали миллатчилик ва уни қайта тиклашда террорчиликнинг ролини аниқлаш, уларнинг мамлакат ички сиёсий барқарорлиги ва миллий хавфсизликка таъсири даражаларини кўрсатиш;

миллатлараро муносабатлар соҳасидаги этноижтимоий зиддиятларнинг келиб чиқиши сабабларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш йўлларини асослаш, жамият демократлашуви шароитида миллатлараро муносабатларни янада тараққий эттиришда амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини кучайтириш механизмларини аниқлаш, уларни такомиллаштиришга доир тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини жамият демократлашувида миллатлараро муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети миллатлараро муносабатларнинг демократик тамойиллар асосида такомиллашуvidан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда комплекс ёндашув, илмий билишнинг диалектика, тарихийлик, мантикийлик, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, кузатув, сўров каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Этник бирлик тушунчалари, жумладан, «элат» - қон-қариндошлик ришталари боғланган кишиларнинг бирлиги, «миллат» - жуғрофий омиллар таъсирида шакланган ирқий қиёфага эга, моддий, маънавий, рухий-психологик омиллар асосида уюшган бирлиги, «халқ» - турли этник гуруҳга мансублигидан қатъи назар давлат фуқаролигига эга кишиларнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан бирлиги эканлиги билан бойитилди;

миллатлараро муносабатлардаги дифференциация ва интеграция жараёнларининг истикболлари ҳамда Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналишида амалга оширилаётган миллий сиёсатга хос жиҳатлар очиб берилган;

миллий ва умуммиллий манфаатлар уйғунлиги демократик ислохотларнинг амалий натижалари билан узвий боғлиқлиги, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг таъсирчан роли очиб берилган;

миллатлараро зиддиятлар типологияси, миллатчилик терроризми тенденциялари тавсифланган, хавфларнинг олдини олишда ғоявий-мафкуравий ишлар самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диссертацияда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши доирасида миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатлик, тотувлик ва диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш; давлат, фуқаролик жамияти

институтлари ва диний ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, демократик жараёнлар, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга таъсирини кучайтиришга доир амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, респондентлар билан ўтказилган сўровлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган концептуал ғоялардан демократик жараёнларнинг миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга таъсири масалаларини илмий-фалсафий жиҳатдан ўрганишда ўзига хос ҳисса қўшади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда баён қилинган назарий хулосалар, амалий таклиф-тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси томонидан миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий, истиқболли режа ва концепцияларни ишлаб чиқишда, шунингдек, Республика Маънавият ва маърифат Маркази, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, фуқаролик жамияти институтлари томонидан миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар, социологик сўровларни ўтказишда, оммавий ахборот воситаларида, радиоэшиттиришлар, таҳлилий телекўрсатувлар тайёрлашда ҳамда Олий ўқув юртларидаги фан ва ўқув курсларининг тегишли мавзуларини ўқитишда, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жамият ҳаётини демократлаштириш, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашда миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга оид илмий концепцияларининг ижтимоий-фалсафий ва қиёсий таҳлили асосида «элат», «миллат», «халқ» категорияларининг конкретлашган мазмуни, аниқлик киритилган илмий таърифларнинг ижтимоий-фалсафий таҳлиliga оид таклифлардан 2015-2017 йилларда А-1-163 рақамли «Демократик ислохотларда «Ўзбек модели»нинг концептуал масалалари таҳлили ва изчил ривожланишнинг назарий-методологик асослари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида демократик ислохотларда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларини, Ўзбекистондаги миллатлараро муносабатлар ва тотувликни мустаҳкамлаш жараёнларининг

илмий асосларини фалсафий-методологик нуқтаи назардан ўрганишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 14 майдаги 89-03-1866-сон маълумотномаси). Ушбу лойиҳани амалга оширишда демократик ислохотларнинг миллатлараро муносабатларнинг такомиллашувига таъсири билан боғлиқ масалаларни ҳамда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш жараёнларининг илмий асосларини илмий-фалсафий нуқтаи назардан ўрганишга ижобий таъсир кўрсатган;

давлатларнинг моно ва полиэтник таркибини юзага келтириб чиқарувчи сабаблар, миллатлараро муносабатларда кузатилаётган дифференциация ва интеграция жараёнларининг истиқболлари ҳамда миллий ўзига хосликни асраб қолиш, миллий сиёсат, миллий бошқарув андозаларига хос бўлган хусусиятларига оид илмий хулоса ва тавсиялар «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан 2017 йилда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистоннинг барча вилоятларида «Ўзбекистон - умумий уйимиз» мавзусидаги жамоатчилик фикри сўрови бўйича ўтказилган социологик тадқиқот жараёнида амалда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2018 йил 7 ноябрдаги 01-16/353–сон маълумотномаси). Бу эса, ўз навбатида, мамлакатдаги миллатлараро муносабатларнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини чуқур ўрганишга, уларнинг ўзгариши динамикасини аниқлашга хизмат қилган;

миллий ва умуммиллий манфаатлар уйғунлиги, миллатлараро муносабатлар тараққиёти демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг амалий натижалари билан узвий боғлиқлиги ҳамда миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг таъсирчан роли ва аҳамияти асосланган илмий хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси томонидан мамлакатимиздаги миллатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашда, ўзаро тенглик ва манфаатдорликка асосланган сиёсатни амалга оширишда, миллий маданий марказлар фаолиятини такомиллаштиришда, турли миллатлар орасида амалга оширилаётган маданий ҳамкорлик ва алоқаларни ривожлантиришга бағишлаб ўтказилаётган тадбирларида ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши – хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг 2018 йил 21 ноябрдаги 01- 09 - 1926 – сон маълумотномаси). Бу мамлакатимиздаги миллатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашда, ўзаро тенглик ва манфаатдорликка

асосланган сиёсатни амалга оширишда ҳамда миллий маданий марказлар фаолиятини такомиллаштиришда, турли миллатлар орасида амалга оширилаётган маданий ҳамкорлик ва алоқаларни ривожлантириш имконини берган;

миллат ва элатлараро зиддиятларнинг сабаблари, миллатчилик, унинг қайта тикланишида терроризмнинг роли ва асосий тенденцияларини ўрганиш ва бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган амалий таклифлардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг «2018 йилда Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури»нинг VII боб «Маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари» 51 – банди «Жамиятидаги, айниқса, ёшларда фуқаролик позицияси ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг ғоявий-мафкуравий механизмларини такомиллаштириш» мавзусида илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришда кенг фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 6 мартдаги 02/09-258-19-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган илмий хулосалар, амалий таклифлар мамлакатимиз ёшлари ҳуқуқий маданияти, маънавиятини янада юксалтириш, мустақил фуқаролик позициясини шакллантиришнинг ғоявий-мафкуравий механизмларини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари натижадорлигига ижобий таъсир кўрсатган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 28 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 60 та илмий иш, жумладан, 1 та ўқув қўлланма, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола (11 та республика ва 10 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 134 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади, вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Миллатлараро муносабатлар такомиллашувининг назарий-методологик асослари**», деб номланган биринчи бобида

миллатлараро муносабатлар тадқиқ этилган бўлиб, «миллат» нинг пайдо бўлиши, шаклланиши, ривожланишига оид турли концепциялар, назариялар, миллий муносабатлар ва миллатлараро муносабатлар мазмуни, уларнинг фарқли жиҳатлари ва диалектик алоқадорлик масалалари, бу борадаги хорижий ва миллий доирадаги изланишлар илмий жиҳатдан ўрганилган, миллий бошқарув мазмуни масаласи тадқиқ этилган, бу борадаги илмий фикрлар тизимлаштирилиб, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хусусан, диссертацияда миллат шаклланишига, унинг ташқи қиёфаси, ирки, турмуш тарзи ва ҳўжалигининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатадиган жуғрофий омилнинг ўрни ва аҳамияти (Беруний, Форобий), «миллат» ва унинг асосларини аниқлаштиришга, миллат объектив белгиларининг шаклланишида «табiiй» омилнинг роли - иқлим, ландшафт, «қон» ва ҳ.к оид (Г.Гегель, Монтескье, Габино, Карлейль); миллатга ижтимоий-иқтисодий, сиёсий бирлик сифатида қараш (К.Маркс, Ф.Энгельс, М.Вебер, В.Ленин); этник гуруҳларга давлатга талаб қўйишнинг энг мақбул шакли сифатида қараб, ўз ҳудудига эга ҳамда ўз ҳудудига эга бўлмаганларга ажратиш (Д.Белл, Н.Глейзер, Р.Клем, Д.Мойнихем, М.Сакс, Р.Смит); этник бирликлар ижтимоий гуруҳларни ҳиссий ва руҳий манфаатларини бирлаштирадиган, умумий сафарбарлик маркази эканлиги (Ч.Кейес, Д.Комарофф, Г.Лapidус, Д.Лейн, М.Нэш, Д.Ротшильд) каби қарашлар, шунингдек, Собик Иттифоқ даврида ҳамда бугунги кунда илмий адабиётларда «миллат» категориясига берилган таърифлар қиёсий ўрганилган ҳамда уни тушунтиришга доир тадқиқотчининг таърифи ҳам берилган. Диссертацияда, «миллат»га оид ижтимоий–биологик, инструменталистик, конструктив ёндашувлар ҳамда примордиалистик, дуалистик, этногенез пассионар, гуманистик этносизм концепциялари, ойкуменик назарияси ўрганилган. О.Мусаев тадқиқотида тизимлаштирилган этатистик, этнологик, этносоциал, этномаданий концепциялар, этнопсихологик, трансцендентал ёндашувлар, мульти-культурация ғояси атрофлича ўрганилган. Шу билан бирга, диссертацияда этноантропогенез, этномаънавий, этногеосиёсий концепциялар асослаб берилди, уларнинг моҳияти очиб кўрсатилди.

Ушбу бобда «миллий муносабатлар» ва «миллатлараро муносабатлар» тушунчаларининг мазмуни ва ўзаро алоқадорлиги ўрганилган. Жамият демократлашуви шароитида янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнининг инсон онгида акс этиши ва тараққиёт талабларига мос равишда ривожланиши, инсоннинг муайян этник гуруҳга мансублигини идрок этиши, унинг истиқболи ва келажаги учун қайғуриши билан боғлиқ фикрлари, ғоялари ва уларнинг амалий фаолиятида намоён бўлиши асосланган. Шунингдек, миллатлараро муносабатлар тараққиётида интеграция (жамият ҳаёти соҳалари орқали элат, миллат, халқларни узлуксиз бирлашиш) ҳамда дифференциация (миллий мустақилликка эришиш, такомиллашиш, миллатлар ва элатларнинг қарама-қаршилиги кўринишдаги муносабатлари) жараёнлари намоён бўлади.

Диссертант фикрича, миллатлараро муносабатлар тараққиёти жараёнида диалектик ўзаро боғлиқ бўлган ҳамда бир бирига ўтиб турадиган иккита тенденция, биринчидан, иқтисодий интеграция ҳамда инсон ҳаёти турли соҳаларининг байналмилаллашуви, иккинчидан, миллий ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини англаш ва намоён этиш жараёнлари сифатида жамиятлардаги муносабатларда юзага келади. Иккала тенденция ўртасида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий соҳаларда объектив ва субъектив омилларга асосланган жиддий фарқ ва қарама-қаршилик ётибди. Ушбу иккита тенденция ижтимоий-этник жараёнларнинг асосини ташкил этади ҳамда ушбу жараёнларнинг мавжудлигини шунчаки назарий тан олиш эмас, балки уларда пайдо бўладиган ҳар қандай тўсиқ ва ғовларни енгишни талаб этади.

Мазкур бобда миллий бошқарув – этник жараёнларни тартибга солишнинг механизми сифатида ўрганилган, давлат ва жамият бошқарувида этномиллий хусусиятларни эътиборга олиш аҳамияти асосланган. Этник жараёнларни тартибга солишда миллий бошқарувнинг аҳамияти бўйича назарий хулосалар ҳамда Ўзбекистонда қизғин кечаётган демократик янгиланишлар жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, мақсад ҳамда вазифалари, уларнинг илмий-назарий, яъни концептуал мазмуни, амалий ижролари самарасини, ғоя билан унинг амалиёти диалектикасини ўрганиш, англаш, илмий-амалий асосланган муайян хулосалар орқали жараён ёхуд босқичнинг янада самарали бўлишини таъминловчи янги ғоялар захираси ҳамда уларни амалиётга аниқ жорий этиш усул ва воситалари бўйича амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Демократик жараёнларнинг миллатлараро муносабатлар тараққиётига таъсири»** деб номланган иккинчи бобида миллий ва умуммиллий манфаатлар такомиллашувининг диалектикаси, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг роли, жамият ҳаётининг демократлашуви шароитида демократик жараёнлар ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг миллий-маънавий омиллари билан боғлиқ масалалар ўрганилган. Диссертацияда Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишларни амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, ижтимоий бирдамликни таъминлаш, миллат ва элатлар ўртасидаги дўстликни кучайтиришда миллий манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш, уларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этиши асосланган. Шунингдек, «манфаат» тушунчасига доир турли илмий қарашлар қиёсий таҳлил этилиб, миллий манфаат тушунчасининг моҳияти очиқ берилди ҳамда «миллий манфаат» деганда, миллатга, миллий давлатчиликка моддий, маънавий, руҳий ва жисмоний фойда, наф келтирувчи омиллар назарда тутилиши, «манфаат» тушунчаси серқирра категория эканлиги, шахсий, уруғчилик, маҳаллийчилик,

минтақавий, этник, миллий ҳамда умуминсоний манфаат шаклларида намоён бўлиши асосланган.

Миллий манфаатлар муайян миллат вакиллариининг кўпчилиги қўллаб-қувватлаётган талаб ва эҳтиёжлар йиғиндисидир. «Умуммиллий манфаатлар» мазмун-моҳияти жиҳатидан «миллий манфаатлар» тушунчасига қараганда кенгроқ тушунча, шу билан биргаликда, миллий ва умуммиллий манфаатлар ўзаро диалектик алоқадорликда намоён бўлади. Ижтимоий манфаатлар миллий манфаатлардан фарқли ўлароқ, алоҳида битта миллат ёки халқ манфаатини эмас, балки мамлакатдаги барча миллат, элат вакиллари мақсад ва интилишларининг яхлитлиги, умумийлигини ифодалайди. Диссертацияда умуммиллий манфаатлар умумжамиyat моҳиятига асосан, давлат манфаатлари кўринишида, яъни: 1) асосий ташқи сиёсий манфаатлар даражаси - миллатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, миллий тарихий бирлик сифатидаги хавфсизлик ва яхлитлигини таъминлаш, давлатнинг иқтисодий ва сиёсий суверенитетини ҳимоялаш; 2) махсус манфаатлар даражасида намоён бўлиши асосланган. Бунда, давлатнинг халқаро муносабатлар соҳасидаги манфаатлари қамраб олинади.

Диссертацияда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган социологик сўровлар натижалари келтирилган. «Ўзбекистонда миллий ва диний мансублигидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинадими?» деган саволга 2010 йилда респондентларнинг 97,0% и, 2015 йилда - 99,6% и, 2017 йилда эса - 97,9% и - «ҳа», деб жавоб берган. 2017 йилда мазкур саволга «етарлича риоя қилинмайди», деб жавоб берган респондентларнинг кўрсаткичлари вилоятлар кесимда: Андижонда - 4,0%, Жиззахда - 4,5%, Сирдарёда - 3,6%ни ташкил этган. Бу эса, мазкур масалани янада чуқурроқ таҳлил қилиш муҳимлигини кўрсатади².

Ижтимоий тараққиёт жараёнида миллий ўзликни англашнинг ўсиши туфайли муайян давлатда яшаётган, ўз давлатчилигига эга бўлмаган этник гуруҳларда сепаратизм ғояларининг вужудга келиши мумкинлиги кўрсатилган. Бундай ғоя ва ҳаракатларнинг асосий мақсади мустақил миллий давлат тузишга қаратилган. Бу эса, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, суверенитетига хавф туғдириши мумкин. Шунинг учун ҳам, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун муайян давлат ўз ҳудудидаги этник гуруҳлар эҳтиёжларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни кондирининг мақбул механизмларини ишлаб чиқиши муҳим.

Диссертант фикрича, миллий ва умуммиллий манфаатлар уйғунлигини таъминлаш мақсадида, мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллат ҳамда элатларнинг тили, урф-одатлари ва анъаналарини авайлаб-асраш ва янада ривожлантириш; «Ўзбекистон-умумий уйимиз» ғоясини рўёбга чиқариш; миллатидан қатъи назар фуқароларнинг қонун олдидаги тенглигини таъминлаш; уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш ва манфаатларини рўёбга чиқариш;

² «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг «Ўзбекистон – умумий уйимиз» мавзусидаги жамоатчилик фикри сўрови натижалари ҳисоботи. – Тошкент, 2017.

интеллектуал ўсиши ва ривожланиши учун керакли бўлган барча шарт-шароитларни яратиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси давлат миллий сиёсати концепцияси»ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур.

Жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнлари миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштиришга сезиларли таъсир кўрсатиб, миллий анъаналар ва қадриятларга жиддий эътибор қаратиш, миллий манфаатларни нодавлат тузилмалар воситасида уйғунлаштиришга олиб келади. Бунинг натижасида эса, барча соҳадаги ислохотларнинг умуммиллий манфаатлар билан мос келиши таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси қошида 138 та миллий маданий марказ, 34 та хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамиятлари фаолият олиб бормоқда, дунёнинг 18 та мамлакатадаги ҳамкорлари, 29 та ўзбек эмиграция ва диаспоралари билан алоқалар йўлга қўйилган. Мамлакатимизда ўтказилаётган ўзбек маданияти кунлари, тили, халқининг ўзига хос миллий анъана, урф-одатларини тарғиб этишга йўналтирилган анжуман, семинар, давра суҳбатлари, кўرғазма, танлов, концерт ва бошқа тадбирлар миллатлараро муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Диссертацияда давлатнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи ҳамда иккала субъектнинг кўп миллатли таркибга эга халқ ўртасидаги ўзига хос замонавий, демократик ҳамда очиқ-ошқора майдон сифатида уларнинг юқори даражадаги тизимли ва самарали мулоқотини йўлга қўйишда ОАВ имкониятларидан фойдаланиш муҳимлиги асосланган. Бу борада мавжуд муаммолар ўрганилди ҳамда уларни бартараф этиш бўйича амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, тадқиқотда демократик жараёнлар ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг миллий-маънавий омиллари ўрганилган бўлиб, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, бағрикенглик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, турли мафкуравий таҳдидлардан асраш, хусусан, диний экстремизм, терроризм, «оммавий маданият» ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш билан боғлиқ масалалар ўрганилган.

Диссертацияда глобаллашув жараёнининг шиддат билан кучайиши, унинг ижобий ва салбий жиҳатлари, миллий ривожланиш йўлидан кетаётган мамлакатлар ҳаётининг турли соҳаларида кенг кўламда намоён бўлиши, инсоният тараққиётини тарихий-ижтимоий бирлиги сифатида шаклланган миллатларга, миллий маданиятларнинг бир - бирига таъсири, миллатлараро мулоқотни самарали ташкил этиш, миллий дастурларни халқаро мезонлар асосида амалга ошириш имкониятлари, мамлакатларнинг ўзаро

яқинлашувига, жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашуви жараёнларининг фаоллашуви масалалари ўрганилган.

